
ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИНИНГ КАРАНТИН ДАВРИДА МАСЖИДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН БАЁНОТИ

Ўрнатли юртдошлар!

Аллоҳга шукрки, мамлакатимизда коронавирус касаллиги билан боғлиқ вазият ижобий томонга ўзгариб бориши баробарида ҳудудларни «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифага ажратилган ҳолда карантин мезонлари юмшатиб борилмоқда.

Халқимиз пандемия шароитида меҳнат қилиш ва яшаш шароитига аста-секин ўрганмоқда. Республика махсус комиссияси хабарида карантин талабларига амал қилиш асосида айрим фаолият турларига рухсат берилди. Жумладан, масжидлар 2020 йил 8 июндан бошлаб фақат «яшил» ҳудудларда фаолиятини бошлаши, ушбу масканларда 5-8 июнь кунлари санитар чоралар кўрилиши эълон қилинди.

Ҳақиқатан, барча мўмин-мусулмонларимиз масжидларда намоз ўқишни жуда соғинишди, буни илҳақлик билан кутаётгандилар. Алҳамдулиллаҳ, масжидлар эшиклари мўмин-мусулмонларимизга яна очилди, карантин мезонларига амал қилган ҳолда “яшил” ҳудудларда фойзли ибодатларни бошлаймиз. Қолган «сарик» ва «қизил» ҳудудларда яна бир оз сабр қилсак, ушбу касаллик хавфи камайса, у ерларда ҳам масжидлар фаолиятига рухсат этилади, инша Аллоҳ.

Республика махсус комиссияси қарорига мувофиқ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги масжидлар фаолиятини карантин даврида ташкил этиш, масжид иш фаолиятини санитария-эпидемиологик қоидаларга мувофиқ юритиш ва ибодатларни адо этиш учун зарур шарт-шароитларни ҳозирлаш борасида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди.

Республика махсус комиссияси томонидан туман-шаҳар кесимида “яшил” ҳудуд сифатида тоифага ажратилган минтақалардаги масжидларда 2020 йил 8 июнь, душанба куни бомдод намозидан бошлаб, кунлик беш вақт фарз намозларини ижтимоий масофаланишни сақлаган ҳолда (1,5-2 метр) адо этиш.

Масжидларда ибодатларни ташкил этиш бўйича қуйидаги талаблар белгиланди:

- масжиднинг кириш жойини дезинфекцион “тўшак”лар билан жиҳозлаш, бирламчи дезинфекциялаш воситалари билан таъминлаш;
- ҳар бир намозхон тиббий ниқобда бўлиши, масжидга киришда қўлларини дезинфекциялаш воситасидан фойдаланиши;
- масжидга ташриф буюрган ҳар бир шахснинг касаллик аломатларини текшириш, тана ҳарорати 37°C ва ундан юқори бўлган ҳолатда фуқароларни алоҳидалаш ва 103 телефон рақами орқали тез тиббий ёрдамга хабар бериш;
- таҳоратхонадан фақат зарур шароитлар яратилган (бир марталик сочиқ-салфетка, антисептик воситалар, суюқ совинлар билан таъминлаш, қисқа муддатларда дезинфекция қилиш), ижтимоий масофаланиш сақланган ҳолларда фойдаланиш;
- масжидда қўл бериб ёки қучоқлашиб саломлашиш тақиқланиши;
- масжид бинолари ва ҳудудини ҳар куни дезинфекция қилиш, хоналарни шамоллатиш;
- масжид ҳудудида ҳар қандай кўринишдаги савдо-сотиқни ташкил этмаслик, ҳадя ва совғалар тарқатмаслик;
- расман рухсат берилгунга қадар жума намозлари ташкил этилмайди;
- масжид ходимлари ва кўнгилли намозхонлардан ёрдамчи гуруҳлар тузилиб, улар томонидан масжид ҳудудида карантин талабларига риоя этилишини назорат қилиш;
- масжидлар фаолияти жойлардаги Санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари талабларига мувофиқ ташкил этилишини таъминлаш каби тавсиялар жорий этилади.

Республика ҳудудларини «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифага ажратилишидаги ўзгаришлар расмий матбуотда ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz сайтида эълон қилиб борилади.

Масжидлар фаолияти ҳудудлар тоифалари ўзгаришига қараб, мувофиқлаштирилиб борилади. Хусусан, ҳудудга “қизил” ёки “сарик” тоифа берилишига кўра ундаги масжидлар фаолияти вақтинчалик тўхтатилади.

Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиёти қозиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бош имом-хатиблари ушбу тавсияларни амалга оширилишини таъминлайди ва белгиланган вазифаларнинг бажарилишига масжид имом-хатиби масъул ҳисобланади.

Маълумки, ҳозирги кунда бутун дунё аҳли каби биз ҳам коронавирус пандемияси билан боғлиқ мушкул вазиятни бошимиздан ўтказмоқдамиз. Ҳали хотиржамликка ўрин йўқлигини таъкидлаган ҳолда “қизил” ва “сарик” ҳудудларда карантин қоидаларига қатъий амал қилиш шартлигини яна бир бор таъкидлаймиз.

Ўз навбатида, яна бир ҳақиқатни эслатиб ўтишни зарур, деб биламиз. Аллоҳ таоло Қуръони каримда инсонларни синовли кунларида сабр-қаноатли бўлишга даъват этиб, “Албатта, қийинчилик билан бирга энгиллик ҳам бордир”, деб марҳамат қилган.

Чиндан ҳам, ҳар қандай ташвиш ортида энгиллик ва ёруғлик бор. Муҳтарам Президентимиз бошчиликларида коронавирус касаллигининг олдини олиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли Ҳақ таолонинг ёрдами ила бу офат жиловланиб, оммавий ёйилиб кетишининг олди олинди.

Шу маънода, бугунги қийинчиликлар албатта ўтиб кетади, ҳали масжидларни тўлдириб жамоатлар бўлади, хатми Қуръонлар ўқилади ва улуғ айёмларни барчамиз биргаликда нишонлаймиз, инша Аллоҳ.

Зеро, Аллоҳ таолонинг уйида қилинган ибодатлар ва дуою тазаррулар боисидан юртга файзу барака киради ва балою офатлар узоқ бўлади.

Вассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

2020-06-05 14:50:26